2009 ЙИЛ, 28 МАЙ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 йилдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 105 (11.416) Баҳоси эркин нархда

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАДРИДДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 май куни расмий ташриф билан Бразилия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрига тўхтаб ўтди.**

**Мадрид. 27 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).**

Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори, 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган.

Айни пайтда Испанияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатлар юксак қадрланади. Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил январь ойида Испанияга давлат ташрифи асносида Мадриднинг ўша пайтдаги мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано мамлакатимиз раҳбарига ушбу қадим шаҳарнинг рамзий «Олтин калити»ни тақдим этган эди. Бу Мадрид Тошкент учун ҳамиша очиқлигининг ёрқин белгисидир.

Ўзбекистон ва Испания тарихан бир-бирига яқин давлатлардир. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо меҳмон бўлган. Соҳибқирон Муҳаммад ал-Қозийни ўзининг Испания Қироллигидаги элчиси этиб тайинлаган. Бу мамлакатларимиз халқлари ўртасида ўша даврлардаёқ маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Испания — иқтисодий жиҳатдан ривожланган, халқаро сиёсат майдонида юксак нуфузга эга мамлакат. Ўзбекистон ушбу давлат орқали бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Ўз навбатида, Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни изчил ривожлантириш тарафдори. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган, парламентлар ва омбудсманлар ўртасидаги алоқалар тобора фаоллашмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда «Texkominvest» (савдо), «Maxam Central Asia» (кимё саноати), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Uzbekistan» (кимё саноати) каби қатор Ўзбекистон-Испания қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preparado Alimenticios» (озиқ-овқат саноати), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компанияларнинг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий ҳамкорларидан ҳисобланади.

Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо-Амир Темур» Испания-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси тузилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур давлати билан Испания Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди, Барселонада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

Мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасида фаол алоқа ўрнатилган. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар Испаниядаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари билан қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ислом Каримов ва Хуан Карлос икки томонлама муносабатларнинг бугунги кўламига юксак баҳо бериб, айни пайтда иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар икки мамлакат имкониятлари даражасида эмаслигини таъкидладилар. Бу йўналишдаги алоқаларни фаоллаштиришга, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларнинг ўзимизда тадбиркорларимизнинг саъй-ҳаракатлари эвазига тайёрланаётганлиги, албатта иқтисодиётимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади. Бунда корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги технологик линияларни келтириб ўрнатиш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш юқори натижа бермоқда.**

Ўтган йилда иш бошлаган ва бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан кўплаб харидорларни жалб этаётган «FAROVON SHOES» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда сифатли пойабзаллар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан саналади. Муҳими эса мазкур жамоанинг малакали мутахассислари томонидан тайёрланаётган

Тадбиркорлик

### СИФАТГА ЭЪТИБОР



оёқ кийимлари бугунги бозор талабларига тўла жавоб бериши баробарида халқаро андозаларга мослиги билан ҳам ажралиб турибди. Ўтган жуда қисқа давр мобайнида эришилган бу муваффақият, албатта аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз соҳасида етакчи ўринни эгаллашга интилиб, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан омилкорлик билан фойдаланаётган, яхши ва янги ташаббусларга интилаётган пойабзалчилар эркаклар, аёллар, болалар оёқ кийимларини тайёрлашда экологик тоза материаллардан фойдаланишмоқда. Пойабзаллар кўринишини ва рақобатбардошлигини таъминлаб, харидор дид ва талабига жавоб берадиган мазкур хом ашёлар гигиеник сифат сертификатига эга. Айниқса, кичкинтойлар учун тикилаётган пойабзалларнинг болалар соғлиқларини таъминлашига, оёқ товонларининг тўғри ривожланишига эришишда ёрдам беришига катта эътибор қаратиляпти.

Албатта, бундай халқаро талаблар даражасидаги маҳсулот тайёрлаш тинмай изланишни, ички ва ташқи бозорни эринмай ўрганишни тақозо этади. Шунингдек, уларни ишлаб чиқаришда илғор, юксак унумли технологик линиялар, кадрлар маҳорати муҳимлиги барчага маълум. Шу боис ҳам корхона цехлари Италиянинг «Маин Групп» фирмасидан келтирилган қуйма дастгоҳлар, Хитойдаги «Дашин» компанияси ҳамда Германиянинг «ПФАФ», «Штробель», Чехиянинг «Свит» сингари тикув машина ва ускуналари билан жиҳозланганлиги тажрибали пойабзалчиларга маҳоратларини намоён этишларида қўл келмоқда.

Корхонада 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, модельер-дизайнерлар оёқ кийимларининг ҳар бир мавсумга мос янги ҳамда замонавий моделларини яратишмоқда. Шу кунга қадар улар томонидан 100 дан зиёд оёқ кийимлари моделлари яратилган бўлса, шунинг ярмидан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий этилиб, ички бозорни таъминлади, харидорларга манзур бўлмоқда. Айниқса, аёллар ва ўсмир қизларнинг пойабзаллари ўзига хослиги билан ҳар томонлама четдан келтириладиган худди шундай оёқ кийимлари билан рақобатлашиши баробарида бирмунча арзон нархи билан харидорларга маъқул бўлади.

Айни кунларда корхонада изланишлар давом этмоқда. Бунинг самараси эса ишлаб чиқаришга жорий этилиб, харидорини топаётган сифатли пойабзалларда ёрқин акс этмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: пойабзалчилар тайёрлаётган маҳсулотлари сифатига эътибор қаратаётгани уларнинг харидоргирлигини оширмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

«Умид ниҳоллари — 2009»

## СПОРТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

**ЭРТАГА Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг республика босқичига старт берилади.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги остида деярли ўн йилдан бери ўсмирлар ва ёшлар орасида ўтказиб келинаётган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари том маънода мустақил юртимизнинг ўзига хос «Кичик олимпиадаси»га айланиб қолган.

Ҳар йили мактабдан тортиб («Умид ниҳоллари»), ўрта махсус («Баркамол авлод») ва олий («Универсиада») ўқув юртларида ҳам ушбу ўйинларга қизғин тайёргарлик олиб борилади. Энг асосийси — бир нечта босқичдан иборат бўлган беллашувларда аксарият ўқувчилар ва талаба-ёшларимиз ўз имкониятларини синаб кўришга эга.

Жумладан, «Умид ниҳоллари»да ҳам бу йили республикамиздаги барча мактаб ўқувчилари ўзаро, туман ва шаҳарлараро бўйича беллашишди. Финал босқичида, шубҳасиз, энг кучлилар чемпионлик учун синовдан ўтишади.

*(Давоми 2-бетда).*

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда уюшманинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тадбирда "Халқ сўзи" - "Народное слово" газеталари бош муҳаррири Ў.Раҳматов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири А.Иванова, "Ишонч" - "Доверие" газеталари бош муҳаррири А.Абдураззоқов, "Еркин Қарақалпақистан" - "Вести Каракалпакстана" газеталари бош муҳаррири К.Каримов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали директори Х.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларининг давр талабларига жавоб берадиган минбарга айланиши, миллий манфаатларимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасидаги холис воситачи сифатида фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган қатор қонун, қарор ва фармонлар бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Журналистларнинг жамиятдаги янгиланиш жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб маҳоратини юксалтиришга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Уюшма томонидан мунтазам равишда ташкил этилаётган медиа-форумлар, анжуманлар, семинар-тренинглар, кўрик-танловлар, турли ижодий лойиҳалар шулар жумласидандир.

Конференцияда уюшманинг келгусидаги режалари белгилаб олинди.

Ш.Ғуломов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси этиб қайта сайланди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Мамлакатимизга ташриф буюрган Бельгия қироллиги сенатори, «Бельгия-Ўзбекистон» парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ив Литерм кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида учрашув ўтказди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан парламентаризм соҳасида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.**

**• Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Кент шаҳзодаси Майкл раҳбарлигидаги делегация кеча Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бўлиб, мазкур олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Буюк Британия делегацияси бу ердаги ўқув тизимига, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган шароитга юксак баҳо берди.**

**• Гулистонликлар «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақалари арафасида яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Бу ерда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида барча қулайликларга эга Болалар шаҳарчаси фойдаланишга топширилди. Болалар шаҳарчасининг умумий майдони 4,2 гектар бўлиб, унинг қурилиши ва ободонлаштирилиши учун 3 миллиард 593 миллион сўм маблағ сарфланди.**

**•«Термизсут» масъулияти чекланган жамияти Хитойдан келтирилган маъданли сувни қадоқлаш линиясини ишга туширди. Янги цехда бир кунда 4 минг литр сув қадоқланади. Янги линиянинг ишга туширилиши билан ўн киши доимий иш билан таъминланди.**

**• Асака туманидаги «Тўрттош» маҳалласида энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 30 ўринга мўлжалланган янги ташхис ва саломатлик маркази очилди. Янги тиббиёт муассасасида 10 нафар малакали мутахассис фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар асаб касалликлари ва ички хасталикларни ташхислаб, даволамоқдалар.**

**• Жиззах политехника институти жамоаси инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида самарали иш олиб бормоқда. 2008 йил давомида жамоа томонидан қиймати 150 миллион сўмга тенг илмий лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди.**

**•Нукусда «Келажак овози — 2009» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган 600 га яқин ёшлар қатнашди.**

### ЖАҲОНДА

**• Санкт-Петербург шаҳрида бугун бошланган Халқаро банк конгрессида замонавий шароитларда банк тизимининг ўсиши ва барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.**

**• БМТ Тожикистонда юз берган табиий офат натижаларига барҳам бериш мақсадида 118 минг доллар ажратди.**

**• ОПЕК ташкилотига аъзо мамлакатлар вазирлари иштирокида Вена шаҳрида ўтказиладиган анжуманда нефть қазиб чиқаришни чегаралаш масалалари кўриб чиқилади.**

**• Шимолий ва Жанубий Корея мамлакатлари ўртасидаги зиддиятлар энг юқори нуқтага чиқди. Зеро, КХДР маъмурлари Корея урушига нуқта қўйган 1953 йилдаги шартномага бундан буён амал қилмасликларини билдиришди ва зарурат туғилганда ўз рақиблари — Жанубий Корея ва уни қўллаб-қувватловчи давлатларга ҳарбий томондан зарба беришга тайёрликларини таъкидлашди. Айтиш кераккки, Шимолий Корея томонидан яна ядро қуролини тайёрлашда фойдаланиладиган плутоний ишлаб чиқариш бошланди.**

**• Россияда бугун чегарачилар куни байрами нишонланди.**

**• Шри-Ланкадаги жанглар давомида «Тамил Илам Озодлик йўлбарслари» айирмачиларининг 11 нафар жангариси йўқ қилинди.**

**• Кеча Бойқўнғирдаги космодромдан Россиянинг «Союз» космик кемаси коинотга парвоз қилди. Кема бортида россиялик Р.Романенко, Европа космик агентлиги астронавти Франк де Винна ва Канада космик агентлиги астронавти Р.Хирсик ўрин олган Халқаро космик станциянинг 20-экипажи космосга йўл олди.**

**• Ҳиндистон ва Бангладеш мамлакатларида тропик довул рўй берди. Сўнгги маълумотларга қараганда «Айла» номли довул 159 кишининг умрига зомин бўлган, 800 киши эса тан жароҳатлари олган. 100 минг киши бошпана ва озиқ-овқатсиз қолиб кетган. Бир неча минг гектар экин майдонини сув босган.**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, моҳир кулол, академик Акбар Раҳимовнинг «Ижодий сулола давомчилари» мавзуидаги кўргазмаси очилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу кўргазма «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

# ҲУНАРМАНДЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ДАВОМЧИСИ

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандликни асраб-авайлаш, қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси «Устоз — шогирд» анъаналарини ривожлантириш, уста ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасидаги кенг кўламли ишларда ёрқин намоён бўлаётир. Юртимизда фаолият кўрсатаётган ва аждодлар анъаналарини давом эттириб келаётган қўли гул уста ва ҳунармандларимизнинг ижод намуналари нуфузли халқаро фестиваллар, кўргазма-ярмаркалар, кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Акбар Раҳимов Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ва айни пайтда миллий кулолчилик анъаналарини давом эттираётган ҳунармандлар сулоласининг еттинчи авлоди вакилидир. Унинг отаси — Муҳиддин Раҳимов, ўғли — Алишер Раҳимов томонидан ишланган нафис сопол буюмлар, кўзалар, идишлар Россия, Германия, Франция, Япония, Туркия каби давлатлардаги музейлар, шахсий тўпламларда сақланмоқда.

Санъатшуносларнинг фикрича, Тошкент кулолчилиги зумрад, яшил, мовий рангларнинг устуворлиги, нақшларнинг бежирим ва нафислиги билан ажралиб туради. А.Раҳимов тайёрлаган ва кўргазмада намойиш этилаётган мўъжаз кулолчилик буюмларида ҳам ана шу жиҳатлар кўзга яққол ташланади.

— Ўзбек кулолларининг ижод намуналари мени жуда ҳайратга солади, — дейди мисрлик меъмор Фаузия Ниёзий Лейн. — Улар оддий тупроқдан чинакам мўъжиза яратадилар. Бундай санъат дурдоналари юртингизда ҳунармандлик, маданият қадимдан тараққий этганининг далилидир.

Кўргазмада А.Раҳимов томонидан яратилган икки юздан ортиқ кулолчилик буюмлари намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

ТАНЛОВЛАР

# ИЖОДКОР ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

**Азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, бой тарихий ва маданий меросини тарғиб этиш, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўқувчи-ёшлар ўртасида расмлар танлови ўтказилди.**

Шунингдек, ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, ижодий фаолияти савиясини ошириш орқали маънавий баркамол шахс бўлиб етишлари ҳамда жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашиш, иқтидорли ижодкор ёшларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда пойтахтимиз тарихини ўз ижодлари орқали намоён этишда ўғил-қизларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган ушбу танловнинг шаҳар босқичи «Маданият ва санъат» кўргазмасида ташкил этилиб унда пойтахтда жойлашган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари иштирок этишди.

«Тошкент ҳақида расмлар» танлови қатнашчилари «Энг оригинал ва беғубор ранг», «Энг яхши тарбиявий руҳдаги иш», «Энг яхши миллий руҳ сингдирилган иш», «Мазмуни тўлақонли ифодаланган энг яхши иш», «Ҳаваскорликдан профессионаллик сари», «Янги ўзига хос йўналиш» номинациялари бўйича беллашдилар. — Шунингдек, иштирокчилар кўрик-танловда Тошкент шаҳрининг бой тарихий ва маданий меросини, ёшларнинг келажаги, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун яратилган шароитларни рангтасвири орқали кўрсатиб беришди, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби Нилуфар Каримхўжаева. — Ўз ишининг моҳир мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчилар ишлари муносиб баҳоланиб ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Барчага жуда манзур бўлган ушбу танлов қатнашчилар ва меҳмонлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

АНЖУМАНЛАР

# ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

**Сергели туманида «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси» Тошкент шаҳар ва Сергели туман кенгашлари, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасига қарашли Сергели туман ахборот-маслаҳат маркази ҳамкорлигида «Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасидаги устувор вазифалар» мавзуида семинар-йиғилиш ўтказилди.**

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шаҳар божхона қўмитаси ва Солиқ бош бошқармаси, «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиқлари, етакчи мутахассислар ҳамда туманда фаолият юритаётган кичик корхоналар раҳбарлари ва хусусий бизнес субъектлари қатнашди.

Семинар-йиғилишни Сергели туман ҳокимининг иқтисодиёт ишлари бўйича ўринбосари Ботир Шоисломов кириш сўзи билан очди. У ушбу семинарни ўтказишдан мақсадга тўхталар экан, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Эркин Тошев юртимиз иқтисодиёти равнақида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган, элу юрти фаровонлигига ҳисса қўшишга интилаётган, тадбиркорлар сафи йилдан йилга ортиб бораётганини қайд этиб, бу соҳада кичик корхоналар, хусусий бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида ишбилармонликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш давлатимизнинг доимий ривожида муҳим ўрин тутаётганлигига қатнашчилар эътиборини қаратди.

Сергели туман ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Дилором Сапаева йиғилганларга Юртбошимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент шаҳар Сергели туман ҳудудий комиссияси қошидаги жамоатчилик кенгашининг биринчи чорак учун белгиланган чора-тадбирлар режаси бажарилиши хусусида ахборот берди. «Солиқ сиёсати ва солиқ юкини пасайтириш муаммолари» мавзуида Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармаси солиқ инспектори Улуғбек Абдуллаев, «Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш масалалари» мавзуида Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ходими Умиджон Комиловлар сўзга чиқишди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар олишди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

«УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2009»

# СПОРТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ушбу узлуксиз тизимнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳар бир навбатдаги спорт ўйинлари пойтахти деб эълон қилинган шаҳар уч йил давомида алоҳида тайёргарлик олиб боради. «Умид ниҳоллари — 2009» ташкилий қўмитасидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, Гулистон шаҳрида спортнинг 12 тури бўйича беллашувлар саккизта спорт мажмуасида олиб борилади. Шулардан иккитаси янги барпо этилган, қолганлари олимпиада қоидаларига биноан тубдан таъмирланиб, тегишли равишда жиҳозланган. Кейинчалик эса бу мажмуаларнинг гулистонлик ёшларга беминнат хизмат қилиши кўзда тутилган.

Бевосита пойтахтимиз жамоасига келсак, 2002 йилда — Фарғона, 2003 йилда — Хоразм, 2006 йилда — Қарши шаҳарларида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида кетма-кет уч марта ғолиб бўлиб, энг олий мукофот — Ўзбекистон Президенти табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомашинасини қўлга киритган.

Бу йилги мусобақаларда 2200 йиллик тўйини нишонлаётган азим шаҳримиз шарафини 128 нафар ўғил-қизларимиз ҳимоя қилади.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларини ўтказишдан асл мақсад — ёшларимизни соғлом тарзда вояга етказишдир. Бироқ мусобақа номи бор экан беллашувларда кучлилар орасидан энг кучлилари саралаб олинади, албатта. Ишониб қоламизки, «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларида шаҳримиз жамоаси бу сафар ҳам чемпионлик унвонини яна бир бор тасдиқлаб олади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**



**Пойтахтимизда аҳолига намунали йўловчи ташиш хизматини кўрсатишда трамвай-троллейбус транспортларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Чунки улар экологик жиҳатдан мутлақо безарар бўлиши билан бир қаторда, йўловчиларни белгиланган манзилга тез ва соз етказади. Шу жиҳатдан у энг қулай транспорт турларидан бири ҳисобланади.**

# ИШ УНУМИ ОРТМОҚДА

— Бундан бир неча йиллар аввал тизимга хусусий автотранспорт турлари кириб кела бошлагандан сўнг йўловчиларнинг ушбу транспортларга чиқиши бироз сусайгандек кузатила бошланди, — дейди биз билан суҳбатда 4-трамвай-троллейбус саройи раҳбари Мурод Зокиров. — Аммо саройимиздаги мавжуд транспортлар тўлалигича замонавийларига алмаштирилгач, уларнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони кўпайди. Энг муҳими эса йўловчилар трамвай-троллейбус энг ишончли транспорт воситаларидан бири эканлигини англай бошлашди. Қолаверса, ушбу транспортлар то тунги соат 12 ларга қадар аҳолининг хизматида бўлади. Мана шунинг учун ҳам кейинги пайтларда трамвай-троллейбуслар хизматидан фойдаланувчилар сони орта бошлади. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида йўловчилардан тушган нақд пул топшириш режаси ортиғи билан уддаланди. Энг асосийси шу тариқа саройимиз молиявий имкониятлари кенгайди.

— Бу эса ўз навбатида ортган даромадларнинг бир қисмини ишчи-хизматчиларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имкониятини юзага келтирди, — дея суҳбатга қўшилади бош иқтисодчи Т.Пусинова. — Хусусан, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва саломатликларини тиклаб олишлари учун уч миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилди. Бу эса уларни янада самарали ва унумлироқ меҳнат қилишга ундамоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: 4-трамвай-троллейбус саройи фаолиятидан лавҳа**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

• **КЕЧА** «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида уюштирилган IV халқаро инвестицион форумда хорижлик ва маҳаллий тадбиркорлар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти Кенгашлари фаоллари иштирокида ўтказилган семинар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини бартараф этиш чораларига бағишланди.

• **КЕЧА** шаҳримизда мактаблар қошидаги оромгоҳларни мавсумга тайёрлашни жадаллаштириш масаласига бағишлаб ўтказилган семинарда оромгоҳлар раҳбарлари, тарбиячилар, педагоглар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ёш авлод маънавиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** тиббий ижтимоий марказда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

**Мамлакатимизда халқаро ҳаво рейсларининг сони яна биттага кўпаяди. 2009 йил 21 июнда «Чешские авиалинии» авиакомпанияси Прага — Тошкент — Прага йўналиши бўйича тўғридан тўғри мунтазам рейсларини бошлайди.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

# ЕВРОПАГА ЯНГИ ҲАВО ҚАТНОВИ ОЧИЛАДИ

Парвозлар ҳафтада икки маротаба, душанба ва пайшанба кунлари Тошкентдан учиш учун қулай вақтда (10.05) амалга оширилади. Бизнес (европача бизнес-класс ва эконом класс) йўловчиларига самолётлар салонларида парвоз учун ўта қулай шароитлар яратиб берилади. Парвоз олти соат давом этади.

Таъкидлаш жоизки, «Чешские авиалинии» авиакомпанияси 1923 йил 6 октябрда ташкил этилган бўлиб, 2009 йил июнидан бошлаб Ўзбекистон фуқароларига хизмат кўрсатишни бошлайди. Бугунги кунда мазкур авиакомпания жаҳоннинг 45 мамлакатига 105 йўналиш бўйича парвозларни таклиф этади, бу эса Европанинг Дублин, Мадрид, Брюссель, Копенгаген, Берлин, Варшава, Братислава, Будапешт, Белград, Любляна, Загреб, Лондон, Париж, Рим ва Венгрия каби йирик шаҳарларидир. Парвозлар жадвалида шунингдек, Америка қитъасининг Нью-Йорк ва Торонто шаҳарларига ҳам мунтазам рейслар мавжуд.

2001 йилдан авиакомпания Sky Team авиаташувчилари альянсининг аъзоси бўлиб келмоқда. «Чешские авиалинии» авиакомпаниясининг замонавий анжомлари билан жиҳозланган 130 ўринга эга янги А-319 авиалайнерлари йўналишларга хизмат кўрсатади.

Сўнгги тўрт йил давомида «Чешские авиалинии» авиакомпанияси «Марказий ва Шарқий Европада жойлашган энг яхши авиакомпания» деб топилган. Ушбу ном соҳиби ҳар йили Official Airline Guide (OAG) томонидан, кўп учадиган йўловчилар сўрови асосида аниқланади. Компания шунингдек, «Шарқий Европадаги энг яхши авиакомпания», «ЧРдаги энг яхши авиакомпания», «Европа бўйлаб парвозлар жадвалига аниқ риоя қилувчи авиакомпания» совринларини қўлга киритган.

Доимий мижозларга — йўловчилар учун OK Pius, компаниялар учун OK Pius Corporate дастурлари кўзда тутилган.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Прага — Тошкент — Прага рейси очилиши билан ўзбекистонлик йўловчиларда Европанинг энг яхши авиаташувчиларидан бири хизматларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

ТАЪЛИМ

# БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ АНЖУМАН

**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази томонидан "Халқаро миқёсдаги тадбирларда маҳаллий ва хорижий ОАВ ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг катта илмий ходими А.Жўраев ва институт аъзолари ҳамда факультетнинг маънавий маърифий ишлари бўйича декан ўринбосари О.Бобонова ва талабалар иштирок этишди. Давра суҳбатида фуқаролик жамияти шаклланишида маҳаллий ва хорижий ОАВ ўрни ва аҳамияти мавзуларида баҳс - мунозара ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад, талабаларга Ўзбекистон Республикасида халқаро миқёсдаги ўтказиладиган тадбирларда маҳаллий ва хорижий ОАВнинг аҳамиятини тушунтириш, унинг фаоллик даражасини ўрганиш ва талабалар фикри билан ўртоқлашишдир. Тадбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

**Эътиқод ОТАҚУЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

ТРАНСПОРТ

# НАМУНАЛИ ХИЗМАТГА ДАЪВАТ

**Пойтахтимизда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш ойлиги бўлиб ўтди.**

Шаҳримизда йўловчи ташиш транспортида хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида уюштирилган бу тадбир давомида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ҳаракат таркибларини янгилаш оралиқ ва бош бекатларни замонавий усулда таъмирлаш каби ишлар ҳам амалга оширилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва шаҳар ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорликларида ташкил этилган бу ойлик муносабати билан ўтказилган анжуманда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи жамоалар масъулиятини ошириш, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

# ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан пойтахтимиз транспортчилари ҳам тадбирлар режасини белгилаб олдилар.**

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тайёрланган дастурда қишлоқда турмуш даражасини оширишда транспортчилар иштирокини таъминлаш ҳам белгиланди.

Тармоқ корхоналарида ушбу дастурнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб борилади.

Шунингдек, корхона жамоа шартномасига қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид алоҳида боб киритилади.

**Жамшид НАЗАРОВ**

